

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 20 ” март

№ ПК-4247

“ \_\_\_\_ ” 20 г.

**Мухофаза этиладиган табиий худудлар соҳасида давлат бошқаруви  
тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнгги йилларда республикада ўзига хос, ноёб, қимматли табиий обьектларни ва мажмуаларни, ўсимликларнинг ва ҳайвонларларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, инсон фаолиятининг табиатга бўлган салбий таъсирини олдини олиш, шунингдек, табиий жараёнларни ўрганиш, атроф табиий муҳит мониторингини олиб бориш, экологик таълим ва тарбияни такомиллаштириш мақсадида мухофаза этиладиган табиий худудлар тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Мухофаза этиладиган табиий худудларнинг янги турлари – ландшафтларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ноёб ва йўқолиб бораётган турларини, бошқа табиий обьектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш ва қайта тикилашга, шунингдек, экологик муҳитни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга кўмаклашадиган давлат биосфера резерватлари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўрикхоналар яратилди.

Шу билан бирга мухофаза этиладиган табиий худудларнинг бир неча идоралар тасарруфида бўлиб қолаётганлиги, уларни самарали бошқаришни таъминлаш ҳамда мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш имкониятини бермаяпти.

Мухофаза этиладиган табиий худудларни давлат томонидан бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантириш, шунингдек республика экотизимининг биохилмаҳиллигини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг:

а) Қуйидагиларни:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфида бўлган Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нурота ва Қизилкум давлат қўрикхоналари, шунингдек, Қуйи Амударё давлат биосфера резерватини штат бирликлари ва моддий-техник базаси билан бирга ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб колган ҳолда;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Давлат қўриқхоналари, миллий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармасининг б 6 та штат бирликларини амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Давлат экология қўмитаси тизимига ўтказиш;

б) 2019–2022 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қуйидаги 5 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни:

“Жанубий Устюрт” давлат қўриқхонаси;

“Белтов”, “Оқпетки” ва “Оқдарё-Қозоқдарё икки дарё оралиғи” давлат буюртма қўриқхоналари;

“Судочье” давлат буюртма қўриқхонаси негизида “Судочье кўллар тизими” давлат буюртма қўриқхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Давлат экология қўмитаси марказий аппарати тузилмасида Биохилмакиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бошқармаси негизида Биохилмакиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

2019–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизимини ривожлантириш бўйича “Йўл ҳаритаси” 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни қабул қилиш-топшириш ишларини ташкил этиш бўйича республика комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Республика комиссияси (Кўчқоров) икки ой муддатда:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган, топшириладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектлари, моддий-техник бойликларни ва бошқа мулкларни хатловдан ўтказсан;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг штат бирликлари ва моддий-техник базаси билан бирга ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда белгиланган тартибда қабул қилиниши-топширилишини таъминлансан.

5. Давлат экология қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат қўриқхоналари, Куйи Амударё давлат биосфера резервати ва “Жайрон” Бухоро ихтисослаштирилган питомнигини молиялаштиришни яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда топшириладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда:

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобини юритиш, метеорология ва гидрология қузатувларини олиб бориш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий қўринишга эга маълумотларни тўплаш, ифлосланишнинг атроф муҳитга таъсирини ўрганиш;

хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни таъминласин;

в) икки ой муддатда:

Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нурота ва Қизилкум давлат кўриқхоналари, шунингдек, Куйи Амударё давлат биосфера резервати уставларини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган “Йўл ҳаритаси” тадбирларининг ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Давлат экология қўмитаси раиси Б.Т. Қўчқоров зиммасига муҳофаза этиладиган табиий худудларни қабул қилиш-топшириш бўйича ишларни ташкил этиш, уларни самарали бошқаришни таъминлаш ҳамда мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувоғиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил “20” мартдаги ПК-4247-сон қарорига  
1-илова

**2019-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг  
муҳофаза этиладиган табиий худудлари тизимини ривожлантириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>I. Муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш тизимини такомиллаштириш</b>				
1.	Давлат экология кўмитаси тасарруфига бериладиган муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг таъсис хужжатларини ва давлат қўриқхоналарида илмий тадқиқотлар ва мониторинг ўтказишни тартибга соладиган хужжатларни тасдиқлаш.	1. Чотқол, Зомин, Сурхон, Нурота, Қизилқум давлат қўриқхоналари ва Қуий Амударё давлат биосфера резерватининг уставларини тасдиқлаш. 2. Давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ҳамда давлат қўриқхоналари этalon экотизимида табиат жараёнларнинг табиий ривожланишини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил май 2019 йил июнь	Давлат экология кўмитаси (Қўчқоров), Фанлар академияси (Юлдашев), Адлия вазирлиги (Давлетов)
2.	Давлат қўриқхоналарининг қўриқланма зоналарини ташкил этиш.	1. Ҳисор, Чотқол, Зомин, Сурхон, Нурота Қизилқум давлат қўриқхоналари ва Қуий-Амударё давлат биосфера резерватининг қўриқланма зоналарини ташкил этиш. 2. Давлат қўриқхоналарининг қўриқланма зоналарини тасдиқлаш тўғрисидаги карор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2020 йил август 2020 йил декабрь	Давлат экология кўмитаси (Қўчқоров). “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси (Абдуллаев), Фанлар академияси (Юлдашев), вилоятлар хокимликлари
3.	Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг кадрлар ва илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	1. Республиkaning муҳофаза этиладиган табиий худудлари ходимларини Атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида салоҳиятини ошириш. 2. Чотқол, Зомин, Сурхон, Нурота, Қизилқум давлат қўриқхоналари ва Қуий Амударё давлат	Доимий равиша 2019 йил апрель	Давлат экология кўмитаси (Қўчқоров), манбаатдор вазирликлар ва идоралар

		биосфера резервати объектлари ва моддий-техник кимматликларини хатловдан ўтказиш. 3. Хатлов натижаларига кўра муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиши.	2019 йил июнь	
--	--	---	------------------	--

## II. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизимини кенгайтириши\*

4.	5 та янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ("Жанубий Устюрт" давлат қўриқхонаси, "Белтов", "Оқпетки" ва "Оқдарё-Қозоқдарё икки дарё оралиғи" давлат буюртма қўриқхоналарини, шунингдек, "Судочье" давлат буюртма қўриқхонаси базасида "Судочье кўллар тизими" давлат буюртма қўриқхонасини) ташкил этиш.	Фанлар академиясининг Ботаника ва зоология институтлари вакиллари орасидан қуйидаги мақсадлар учун илмий экспедицияни ташкил этиш: асосларни тайёрлаш учун тахмин қилинаётган ҳудудларнинг биохилмажиллигини ўрганиш;  муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг кўриқлашни таъминлашни талаб этувчи майдонлари ва уларнинг географик координатларини, шунингдек муҳофаза қилиш мақомини белгилаш.	2019 йил апрель–июнь	Давлат экология қўмитаси (Кўчкоров), Фанлар академияси (Юлдашев), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси (Абдуллаев), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сарiev)
		1. Қорақалпогистон Республикаси Мўйнок тумани ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда “Судочье кўллар тизими” давлат буюртма қўриқхонасини ташкил этиш, хусусан: “Судочье” буюртма қўриқхонаси ҳудудини кенгайтириш бўйича асосни тайёрлаш; буюртма қўриқхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни муҳофаза қилиш режимини, шунингдек, қўриқлаш ходимлари сонини аниклаш; чегараларни таърифлаш билан биргаликда картографик материалларни тайёрлаш. 2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра карор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2019 йил апрель–июнь 2019 йил июль–октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Давлат экология қўмитаси (Кўчкоров), Фанлар академияси (Юлдашев), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Молия вазирлиги (Хайдаров). Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси (Абдуллаев), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сарiev)

	<p>1. Қорабалпоғистон Республикаси Құнгирот тумани ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда “Жанубий Устюрт” давлат құриқхонасина ташкил этиш, хусусан:</p> <p>құриқхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни мухофаза килиш режимини, шунингдек, құриқлаш ходимлари сонини аниқлаш; чегараларни таърифлаш билан картографик материалларни тайёрлаш.</p> <p>2. Амалга оширилған ишлар натижасига күра карор лойихасини ишлаб чиқиши ва ўрнатылған тартибда Вазирлар Махкамасига киритиш.</p>	2020 ыйл апрель–июнь	
	<p>1. Қорабалпоғистон Республикаси Тахтақүпір тумани ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда “Белтов” давлат буюртма құриқхонасина ташкил этиш, хусусан:</p> <p>Буюртма құриқхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни мухофаза килиш режимини, шунингдек, құриқлаш ходимлари сонини аниқлаш;</p> <p>Чегараларни таърифлаш билан картографик материалларни тайёрлаш.</p> <p>2. Амалга оширилған ишлар натижасига күра карор лойихасини ишлаб чиқиши ва ўрнатылған тартибда Вазирлар Махкамасига киритиш.</p>	2020 ыйл июнь–август	Давлат экология құмитаси <i>(Кучкаров),</i> Фанлар академиясы <i>(Юлдашев),</i> Сув хўжалиги вазирлиги <i>(Хамраев),</i> Молия вазирлиги <i>(Хайдаров),</i> Иктисадиёт ва саноат вазирлиги <i>(Хаджаев),</i> “Ергеодезкадастр” давлат құмитаси <i>(Абдуллаев),</i> Қорабалпоғистон Республикаси Вазирлар
	<p>1. Қорабалпоғистон Республикаси Мүйнок ва Қораўзак туманлари ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда “Оқпетки” давлат буюртма құриқхонасина ташкил этиш, хусусан:</p> <p>Буюртма құриқхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни құриқлаш режимини, шунингдек, құриқлаш ходимлари сонини аниқлаш;</p>	2021 ыйл март–май	Кенгаши <i>(Сариеев)</i>

	<p>Чегараларни таърифлаш билан картографик материалларни тайёрлаш.</p> <p>2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиши.</p>	2021 йил июнь–август 2021 йил сентябрь	
	<p>1. Қорақалпогистон Республикаси Мўйноқ тумани ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда “Оқдарё-Қозоқдарё икки дарё оралиги” давлат буюртма қўрикхонасини ташкил этиш, хусусан:</p> <p>Буюртма қўрикхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни қўриклаш режимини, щунингдек, қўриклаш ходимлари сонини аниқлаш;</p> <p>Чегараларни таърифлаш билан картографик материалларни тайёрлаш.</p> <p>2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиши.</p>	2022 йил июнь–август	Давлат экология қўмитаси (Кучкаров), Фанлар академияси (Юлдашев), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Молия вазирлиги (Хайдаров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хаджаев), “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси (Абдуллаев), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi (Сарiev)
		2022 йил сентябрь–октябрь 2022 йил декабрь	

\*) Чора-тадбирларни молиялаштириши Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари ёksamгармаси, ҳалқаро ташкилотлар грантлари, щунингдек, қонун ҳуясжитларида белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил “20” мартдаги ПҚ-4247-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиладиган муҳофаза этиладиган  
табиий ҳудудларни қабул қилиш-топшириш ишларини ташкил  
этиш бўйича республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

- |                |   |
|----------------|---|
| Б.Т. Кўчкоров  | – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси,<br><i>Республика комиссияси раиси</i>   |
| Н.Ж. Бакиров   | – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси, <i>Республика комиссияси раисининг ўринбосари</i>   |
| Ё.Э. Турсунов  | – Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари   |
| Б.Т. Ибрагимов | – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти   |
| У.А. Собиров   | – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси бошлиғи,<br><i>Республика комиссияси котиби</i> |

**Изоҳ.** Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибиغا ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарши юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил “20” мартағи ПК-4247-сон қарорига  
3-илова


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-2966-сон қарорида:

а) 2-банднинг олтинчи хатбоши ва 5-банднинг тўртинчи хатбошидаги “Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси” сўзлари “Миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-илованинг рус тилидаги матни қуидаги таҳирда баён этилсин:

### “ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству”



в) 1а-илованинг рус тилидаги матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

**“ПЕРЕЧЕНЬ**  
**организаций и управлений, входящих в систему**  
**Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству**

№	Наименование	Количество (ед.)
1.	Государственный комитет Республики Узбекистан по лесному хозяйству	1
<b>Республиканские организации</b>		
2.	Государственное унитарное предприятие «Урмонлойиха»	1
3.	Научно-исследовательский институт лесного хозяйства	1
4.	Центр анализа семеноводства лесных и лекарственных растений	1
5.	Управление национальных природных парков и охотничьих хозяйств	1
6.	Центр по выращиванию и переработке лекарственных растений «Шифобахш»	1
7.	Государственное унитарное предприятие «Урмонкурилиш»	1
8.	Государственное унитарное предприятие «Урмонтехносервис»	1
9.	Государственное унитарное предприятие «Урмонинвест»	1
<b>Итого</b>		<b>8</b>
<b>Комитет Республики Каракалпакстан по лесному хозяйству и областные управления лесного хозяйства</b>		
10.	Комитет Республики Каракалпакстан по лесному хозяйству	1
11.	Бухарское областное управление лесного хозяйства	1
12.	Джизакское областное управление лесного хозяйства	1
13.	Кашкадарьинское областное управление лесного хозяйства	1
14.	Навоийское областное управление лесного хозяйства	1
15.	Наманганское областное управление лесного хозяйства	1
16.	Самаркандское областное управление лесного хозяйства	1
17.	Сурхандарьинское областное управление лесного хозяйства	1
18.	Ташкентское областное управление лесного хозяйства	1
19.	Ферганское областное управление лесного хозяйства	1
<b>Итого</b>		<b>10</b>
<b>Национальные природные парки</b>		
20.	Зааминский национальный природный парк	1
21.	Угам-Чаткальский государственный национальный природный парк	1
22.	Зарафшанский национальный природный парк	1
<b>Итого</b>		<b>3</b>
<b>Государственные лесные хозяйства</b>		
23.	Бозатауское государственное лесное хозяйство	1
24.	Муйнакское государственное лесное хозяйство	1
25.	Ходжейлийское государственное лесное хозяйство	1
26.	Нукусское государственное лесное хозяйство	1
27.	Тахтакупырское государственное лесное хозяйство	1
28.	Берунийское государственное лесное хозяйство	1
29.	Кипчакское государственное лесное хозяйство	1
30.	Элликкалинское государственное лесное хозяйство	1

31.	Чимбайское государственное лесное хозяйство	1
32.	Турткульское государственное лесное хозяйство	1
33.	Караузыякское государственное лесное хозяйство	1
34.	Нукусское специализированное государственное лесное хозяйство	1
35.	Андижанское государственное лесное хозяйство	1
36.	Бухарское государственное лесное хозяйство	1
37.	Джандарское государственное лесное хозяйство	1
38.	Алатское государственное лесное хозяйство	1
39.	Каракульское государственное лесное хозяйство	1
40.	Кызылкумское государственное лесное хозяйство	1
41.	Государственное лесное хозяйство «Нефччи»	1
42.	Шафирканское государственное лесное хозяйство	1
43.	Каравулбазарское государственное лесное хозяйство	1
44.	Гиждуванское государственное лесное хозяйство	1
45.	Джизакское государственное лесное хозяйство	1
46.	Бахмальское государственное лесное хозяйство	1
47.	Зааминское государственное лесное хозяйство	1
48.	Фаришское государственное лесное хозяйство	1
49.	Хужамушкентское государственное лесное хозяйство	1
50.	Кашкадарьинское государственное лесное хозяйство	1
51.	Камашинское государственное лесное хозяйство	1
52.	Мубарекское государственное лесное хозяйство	1
53.	Китабское государственное лесное хозяйство	1
54.	Дехканабадское государственное лесное хозяйство	1
55.	Жавузское государственное лесное хозяйство	1
56.	Шуртанское государственное лесное хозяйство	1
57.	Кумдаргинское государственное лесное хозяйство	1
58.	Навойское государственное лесное хозяйство	1
59.	Нуратинское государственное лесное хозяйство	1
60.	Канимехское государственное лесное хозяйство	1
61.	Хатырчинское государственное лесное хозяйство	1
62.	Учкудукское государственное лесное хозяйство	1
63.	Тамдынское государственное лесное хозяйство	1
64.	Навбахорское государственное лесопроизводственное предприятие	1
65.	Наманганское государственное лесное хозяйство	1
66.	Касансайское государственное лесное хозяйство	1
67.	Уртааральское государственное лесопроизводственное предприятие	1
68.	Самаркандинское государственное лесное хозяйство	1
69.	Пахтакийское государственное лесное хозяйство	1
70.	Сарайкурганское государственное лесное хозяйство	1
71.	Каттакурганское государственное лесное хозяйство	1
72.	Джамбайское государственное лесное хозяйство	1
73.	Акдаргинское государственное лесное хозяйство	1
74.	Даргомское государственное лесопроизводственное предприятие	1
75.	Сырдаргинское государственное лесное хозяйство	1
76.	Сурхандаргинское государственное лесное хозяйство	1
77.	Байсунское государственное лесное хозяйство	1
78.	Кызырыкское государственное лесное хозяйство	1

79.	Узунское государственное лесное хозяйство	1
80.	Бабатагское государственное лесное хозяйство	1
81.	Ташкентское государственное лесное хозяйство	1
82.	Бекабадское государственное лесное хозяйство	1
83.	Саксанатинское государственное лесопроизводственное предприятие	1
84.	Бурчмуллинское государственное лесное хозяйство	1
85.	Ахангаранская государственная лесная администрация	1
86.	Кокандское государственное лесное хозяйство	1
87.	Ферганское государственное лесное хозяйство	1
88.	Хорезмское государственное лесное хозяйство	1

**Итого** **66**

**Государственные лесные хозяйства по выращиванию лекарственных растений**

89.	Каракульское специализированное государственное лесное хозяйство	1
90.	Яккабагское специализированное государственное лесное хозяйство	1
91.	Папское специализированное государственное лесное хозяйство	1
92.	Гиссарское специализированное государственное лесное хозяйство	1
93.	Куйичирчикское специализированное государственное лесное хозяйство	1
94.	Шахрисабзское специализированное государственное лесное хозяйство	1
95.	Шуманайское специализированное государственное лесное хозяйство	1
96.	Канлыкульское специализированное государственное лесное хозяйство	1
97.	Фазылманское специализированное государственное лесное хозяйство	1
98.	Государственное лесное хозяйство по выращиванию лекарственных растений (по территориальной (районной) принадлежности)	4

**Итого** **13**

**Государственные лесоохотничьи хозяйства**

99.	Кунградское государственное лесоохотничье хозяйство	1
100.	Казакдарынское государственное лесоохотничье хозяйство	1
101.	Каракульское государственное лесоохотничье хозяйство	1
102.	Калгансырское государственное лесоохотничье хозяйство	1
103.	Далверзинское государственное лесоохотничье хозяйство	1

**Итого** **5**

**Научно-опытные станции**

104.	Бухарская научно-опытная станция	1
105.	Дарханская научно-опытная станция	1
106.	Кокандская научно-опытная станция	1
107.	Каракумская научно-опытная станция	1

**Итого** **4**

**Другие**

108.	Андижанский филиал Научно-исследовательского института лесного хозяйства	1
109.	Научный центр по развитию лесоводства на пустынных территориях	1
110.	Иновационный центр развития лесного хозяйства	1


**Итого** **3**

**Всего** **113**

""


г) 2-илованинг рус тилидаги матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

## “СТРУКТУРА центрального аппарата Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству”



д) За-илованинг рус тилидаги матни күйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“ТИПОВАЯ СТРУКТУРА  
управлений лесного хозяйства областей”\***




Государственные лесные хозяйства:

1. В Бухарской области – 9.
2. В Джизакской области – 5.
3. В Кашкадарьинской области – 8.
4. В Навоийской области – 7.
5. В Наманганской области – 3.
6. В Самаркандинской области – 7.
7. В Сурхандарьинской области – 5.
8. В Ташкентской области – 5.
9. В Ферганской области – 2.

Предельная численность управленческого персонала – 12 единиц.

\* ) За исключением Андижанской, Сырдарьинской и Хорезмской областей”;

е) 4-илованинг рус тилидаги матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:




Предельная численность управленческого персонала – 16 единиц”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3956-сон қарорида:

а) 1-илованинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

## “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



\*) Бюджетдан ташкири маблаглар, шунингдек хўжалик фаолиятидан олинган маблаглар хисобидан молиялаштирилади;

\*\*) Янги ташкил этилаётган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар”.

б) 2-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

## “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати ТУЗИЛМАСИ

